



## SUPREME COUNCIL OF JUDGES IN ENSURING THE CONSTITUTIONALITY OF THE JUDICIARY'S INDEPENDENCE

U.DAVLETOV

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

## ВЕРХОВНЫЙ СОВЕТ СУДЕЙ В ОБЕСПЕЧЕНИИ НЕЗАВИСИМОСТИ СУДЕБНОЙ ВЛАСТИ ПРИ СОБЛЮДЕНИИ КОНСТИТУЦИОННЫХ ПРИНЦИПОВ

У.ДАВЛЕТОВ

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047,  
Узбекистан

## СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА – СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ

У.ДАВЛЕТОВ<sup>а</sup>

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

**Аннотация:** ушбу мақолада суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, очиқ ва ошкоралигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини оширишининг ҳуқуқий асослари ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг муҳим жиҳатлари атрофида ёритилган.

**Таянч сўзлар:** судьяларни танлаш, лавозимга тайинлаш, суд фаолиятида очиқлик, ошкоралик, муқобил танлов, жамоатчилик фикри, Судьялар олий кенгаши.

**Аннотация:** в статье освещены важные моменты закона “О высшем судебном совете Республики Узбекистан”, изложены правовые основы независимой судебной власти, укрепления их роли в обеспечении открытости и гласности.

**Ключевые слова:** выбор судей, назначение на должность, открытость, гласность, альтернативность выбора, мнение общественности, высший судебский совет.

**Annotation:** article reveals the real independence of judicial authority, securing of openness and publicity of its activity and also the legal basis of increasing the efficiency and prestige of judges activity. Also elucidated important aspects of the law “About supreme council of judges of the Republic of Uzbekistan”.

**Key words:** choice of judges, appointment of post, publicity, alternative choice, public opinion and supreme council of judges.

Мамлакатимизда суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида тўхталиб, ягона суд амалиётини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилганлигини, судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноқонуний

аралашувларнинг олдини олиш, очик, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида судьялар олий кенгаши таъсис этилганлигини, судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти жорий қилиниб, шу асосда судьяларнинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилишини ва ана шу ислохотларнинг мантикий давоми сифатида маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилиб, эндиликда фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат идоралари томонидан бузилса, улар ҳар бир туман ва шаҳарда тузилган маъмурий судларга мурожаат қилишлари мумкинлигини ҳамда судларнинг халқ олдидаги масъулиятини ошириш мақсадида янги тайинланаётган судьялар тегишли ҳудуд жамоатчилиги, маҳалла фаоллари муҳокамасидан ўтказилиб, фуқароларнинг ижобий фикри мавжуд бўлган тақдирдагина улар лавозимга тайинланиши, шунингдек суднинг тарбиявий ролини кучайтириш, унинг фаолиятида очиклик ва ошкораликни таъминлаш, суд ҳукмларини қабул қилишда жамоатчилик фикрини инобатга олишга жиддий эътибор қаратди.

Судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш зарурияти, судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси аниқ ҳуқуқий мақомга эга эмаслиги, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга ошириши ва чекланган ваколатларга эгаллиги кабилар Судьялар олий кенгашини ташкил этишни тақозо қилди [1].

Замонавий талабларга жавоб берадиган, халқ билан мулоқотни амалга ошириб, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган янги суд ходимлари корпусини шакллантириш мақсадида давлатимизда бу соҳада мутлақо янги тизим шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилди ва бу Кенгаш конституциявий мақомга эга, мустақил, ҳеч қайси давлат органи таркибида ёки ҳузурида эмас ҳамда вазифа ва ваколатлари, ҳатто номи ҳам аввалги Комиссиядан фарқ қилади.

Комиссия одатда мустақил орган бўлмай, кўмаклашувчи аҳамият касб этиб, у ёки бу орган, муассаса ҳузурида, таркибида фаолият юритадиган, яхлит тугалланган вазифалардан кўра муайян, тор доирадаги вазифаларнигина бажариш учун ташкил этиладиган, фаолият юритиши доимий бўлмай қоида тарикасида даврийлик, жамоатчилик асосида йўлга қўйилган, кўпинча текширув, ўрганиш функциялари билан чекланадиган тузилмалар тушунилади. Бундай тузилмалар фаолиятини одатда ўзи режалаштирмай уни ташкил этган тузилмаларнинг махсус вазифалари ва топшириқларини бажаришга ихтисослашади.

Кенгаш эса ўз номидан келиб чиқиб, ўзида демократизм ва коллегиялик, бамаслаҳат иш тутиш, вакилликка асосланиши ва аъзоларнинг тўла ҳуқуқлилиги ва фикрларни эркин билдириши, одатда мустақил бўлиши ҳамда ўзи кўриб чиқаётган масалада қоида тарикасида ҳал қилувчи қарор чиқариши кабилар билан урғуланади.

Шу ўринда 2017 йил 7 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонун қуйидагилар билан аҳамиятлидир [2]:

Биринчидан, ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари ва судьяларини Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Кенгашнинг ўзи лавозимига тайинлаши, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса уларни Президент билан келишилган ҳолда лавозимидан озод қилиши – унинг обрў ва нуфузини кўтаришда фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон тарихида орган ваколатини ўз ташаббуси билан бошқа органга ўтказиш тажрибаси камдан-кам учрайди. Албатта, ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари ва судьяларини тайинлаш – бу жуда катта масъулият, бу мазкур суд судьялари томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳар қандай эҳтимолий камчиликлар учун ҳам маънавий масъулият дегани ҳамдир. Шу маънода Судьялар олий кенгаши олдида бу нафақат ваколат, балки жуда катта масъулият ҳамдир.

Иккинчидан, Қонунда Кенгаш раиси, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котибидан – жами йигирма бир нафар кишидан иборат таркибда судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилиши белгилаб қўйилди. Кенгашнинг ўн бир нафар аъзоси Кенгаш раисининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан судьялар орасидан тасдиқланади. Кенгашнинг ушбу аъзоларидан бир нафари Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари орасидан тасдиқланади. Кенгашнинг раиси, котиби ва судьялар орасидан тасдиқланган ўн бир нафар аъзоси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади, Кенгашнинг қолган саккиз нафар аъзоси, шу жумладан Кенгаш раисининг ўринбосари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Ўрганилган халқаро стандартларда, масалан, Венеция комиссияси тавсияларида ҳам судьяларни тайинлайдиган орган ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил бўлиши лозимлиги кўзда тутилган. Шу мақсадда мазкур тавсияларда мустақил Судьялар кенгаши тузилиши, мазкур кенгашнинг ҳеч бўлмаганда ярми сайланган судьялардан иборат бўлиши, шунингдек корпоративчиликдан қочиш ва мувозанатни сақлаб туриш мақсадида судьялар кенгашининг бошқа аъзолари парламент томонидан сайланиши, улар адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар, фуқаролик жамиятининг вакилларидан иборат бўлиши илгари сурилган [3].

Учинчидан, Кенгашнинг асосий вазифаларидан бири бу судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида қабул қилиш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, судьяларни касбий тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш, судьяларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги, шунингдек уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш учун ҳулоса бериш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш кабилар белгиланган.

Тўртинчидан, Кенгаш фаолиятида тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш бўйича тадқиқот марказига айлантирилганида ҳам кўришимиз мумкин. Албатта, мазкур Марказ Кенгашнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифасини амалга оширишда ўзининг тадқиқотлари билан кўмаклашади.

Бешинчидан, Қонунда Кенгашнинг судьяларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида Президентга тақдимномалар киритиш, судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш ва материалларни судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига юбориш (аввал судьяларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш ҳақида тегишли судлар раисларига тақдимномалар киритарди), судьяларни жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш масалалари юзасидан ҳулоса бериш, судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш масалаларига доир муурожаатларини кўриб чиқиш, судьяларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш мезонларини тасдиқлаш, судьяларни касбий тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишга доир дастурни тасдиқлаш (аввал таълим олиш ва стажировкадан ўтиш дастурлари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланиши белгиланган эди), Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти директорининг ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотини ҳар йили эшитиш каби ваколатлари мустаҳкамланди.

Юқоридагилардан ташқари Қонунда Кенгаш аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди (аввалги Низомда Комиссия аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари келтириб ўтилмаган эди), масалаларни кўриб чиқишда коллегияликни, демократизмни кучайтириш мақсадида Кенгаш мажлиси ўз аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади – деб белгиланди (аввалги Комиссияда мажлис унинг аъзоларининг кўпчилиги иштирок этган тақдирда ваколатли деб ҳисобланар эди). Кенгаш аъзосини рад этиш ва унинг ўзини ўзи рад этишига оид қоидалар киритилди, судьялар корпусини шакллантириш чоғида судьялик лавозимларига номзодлар ҳуқуқларининг тенглиги эътироф этилди, аввалгидан фарқли ўлароқ одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликларга ёки жисмоний нуқсонларга эга бўлганлар ҳам захирага киритилиши мумкин эмаслиги қайд этилди.

Қонунда судьялик лавозимига номзод захирадан чиқарилишининг амалдаги мавжуд асосларидан ташқари (амалда фақат ўқиш ва стажировка натижалари қониқарсиз баҳоланганда, шаъни ва кадр-қимматида доғ туширувчи хатти-ҳаракатлар содир этганда) захирадан чиқариш тўғрисида ўзи ариза берганда, судьялик лавозимларига номзодлар тайёрланадиган махсус курсларга қабул қилиш танловидан ўтмаганда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда, унда одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар пайдо бўлганда, белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганда, вафот этганда ёки суд қарори билан вафот этган деб эълон қилинганда, жиноят содир этганда, унинг судьялик лавозимига номуносиблиги ҳақида ҳулоса чиқарилганда каби асослари киритилди. Бундан ташқари, судьялик лавозимига номзод агар у уч

йилдан ортиқ муддат давомида судьялик лавозимига кўрсатилмаган бўлса ҳам захирадан чиқарилиши қайд этилди.

Мазкур муҳим ҳужжатнинг яна бир қатор муҳим жиҳатлари сифатида унда биринчи марта тайинланадиган судьяларни танлашнинг асосий мезонлари алоҳида, судьяларни янги ваколат муддати ва бошқа судьялик лавозимларига танлашнинг асосий мезонлари алоҳида қайд этилгани, судьялик лавозимига номзоднинг тиббий текширувдан ўтказилиши қонунан белгиланаётганлиги, бунда одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликларнинг ва жисмоний нуқсонларнинг рўйхати Кенгашнинг ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарори билан тасдиқланиши, судьялар малакасини ошириш тадбирларига нисбатан талаблар ўрнатилиб, унга кўра малака ошириш судьялар фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш натижаларига кўра, одил судловни амалга оширишда аниқланган тизимли камчиликлар ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилиши кабиларни келтириб ўтиш мумкин.

Мамлакатимизда юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган янги қонунлар халқимизнинг тинч турмуш фаровонлигини таъминлашга, ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишига, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга, судлар фаолияти самарадорлиги салоҳияти ва нуфузини, одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Мазкур конституциявий нормалар ҳамда қонун фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли суд ҳимоясини, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини оширишга, одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги бир қатор хулосаларга келдик:

**Биринчидан**, суд тергови фаолиятини танқидий руҳда қайта кўриб чиқиш таклиф этилади.

**Иккинчидан**, ҳарбий судлар ўз фаолиятларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини амалда кучайтириш фуқароларнинг вақтлари ва маблағларини иқтисод қилишга, суд қарорлари устидан бериладиган шикоятларнинг камайишига замин яратади.

**Учинчидан**, бир томон фуқаро бўлган ҳарбий суд ишларида судьялар ўз фаолиятини фуқаролик кийимларида олиб боришини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Тўртинчидан**, суд процессини ёритишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қонун ҳужжатларидаги айрим зиддиятларни бартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди таъсир фаолиятини кучайтириш таклиф қилинади.

Бир сўз билан айтганда, республикаимизда ҳарбий судларнинг ташкилий тузилмаси суд ҳокимияти мустақиллигига зид ҳисобланиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳозирги вақтда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кенгайтириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритуви сифати ва самарадорлигини ошириш, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишлари сифатида мустаҳкамлаб кўйилган[4]. Бу ўз навбатида, мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш борасида яратилган мустаҳкам ҳуқуқий база судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятига бирор-бир аралашувни истисно этишга кўмаклашади.

## References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 dekabr kunidagi "O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilingan kunning 25 yilligi munosabati bilan bo'lib o'tgan tantanali marosimdagi nutqi // Xalq so'zi. - 2017. - 8 dekabr. - №247.
2. O'zbekiston Respublikasining "Sudyalar oliy kengashi to'g'risida"gi O'RQ-427-sonli Qonuni // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. - 2017. - 10 aprel. - №14. - 214-modda.
3. M.M.Mamasiddiqov. Harakatlar strategiyasi: qonun ustuvorligini ta'minlash hamda sud-huquq islohotlarini takomillashtirishdagi tub burilish // "Qonun ustuvorligini ta'minlash va sud-huquq tizimini yanada isloh qilishning ustuvor yo'nalishlari" nomli maqolalar to'plami. - T.: YUMOM, 2017. - B.7.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli Farmoni // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. - 2017. - 13 fevral. - №6.